

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМАНОВА МЕХРИНСА ИБРАХИМОВНА

**ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ФОЛЬКЛОРИДА ТАҚИНЧОҚЛАР
ОБРАЗЛАНТИРИЛИШИНING СПЕЦИФИКАСИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Сулайманова Мехринса Ибрахимовна

Ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқлар образлантирилишининг спецификаси..... 3

Сулайманова Мехринса Ибрахимовна

Специфика изображения украшений в узбекском и кыргызском фольклоре..... 27

Сулайманова Мехринса Ибрахимовна

Specific image of jewelry in uzбек and kyrgyz folklore..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМАНОВА МЕХРИНСА ИБРАХИМОВНА

**ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ФОЛЬКЛОРИДА ТАҚИНЧОҚЛАР
ОБРАЗЛАНТИРИЛИШИНING СПЕЦИФИКАСИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Fil1005
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tai.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ўраева Дармон Саидахмедовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қаюмов Олим Садиридинович
филология фанлари доктори

Алламбергенов Ҳамза Камалович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “_____” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Б.Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., проф.

Л.Худайкулова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Ш.Турдимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол. ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон халқлари маданий ҳаёти ҳамда фольклорида тақинчоқлар қадимдан ҳозиргача безак, эътиқод, шифо тимсоли сифатида турли бадиий-эстетик маъно ва ижтимоий вазифаларда кенг қўлланиб келмоқда. Улар пайдо бўлиши, тайёрланиши, қўлланиши жиҳатидан ҳар бир давр кишисининг турмуш шароити, маданияти, диди, иқтисодий аҳволи, ижтимоий мавқеи, фалсафий-ахлоқий қарашлари, эътиқодий, миллий тушунчалари ҳақида тасаввур уйғота олиши билан мифопоэтик тафаккурнинг тадрижий тараққиёт хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё фольклоршунослигида халқ оғзаки ижодининг аналогик хусусиятли анъанавий образлари генезиси ва поэтикасига хос типологик ҳамда специфик жиҳатларни қиёсий ўрганиш инсоният бадиий тафаккури тараққиётининг синкретик ҳолатларини аниқлаш имконини бериши туфайли кучайди. Натижада оддий турмуш буюмларининг ғайритабиий тимсоллар сифатида образлантирилишига замин яратган мифологик тасаввур-тушунчалар илдизини, маъно ва вазифалари синкретиклашувини очиш имкони пайдо бўлди. Бу эса туркий, шу жумладан, ўзбек ва қирғиз фольклоршунослигида тақинчоқлар образи ва тимсолларини халқ бадиий тафаккурининг тадрижий ривожини асосида ўрганиш заруратини кўрсатади.

Мамлакатимизда «Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор»¹ сиёсати туфайли халқимизнинг номоддий ва моддий маданий меросини асраб-авайлаш, унинг ноёб дурдоналари бўлган фольклор анъаналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, шаклланиш тарихи, бадиияти, бошқа халқлар билан типологик яқинликлари, спецификасини ёритиш жараёни кундан-кунга кучайтирилмоқда. Бинобарин, ўзбек ва қирғиз фольклорининг қадимдан яқинлигини кўрсатувчи рамзий-тимсолий образлардан бири – тақинчоқларнинг воқеликни образли талқин қилишдаги ўрнини, бадиий эволюцияси ва динамик поэтикасини ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигининг энг янги илмий-назарий концепциялари асосида очиб бериш халқ оғзаки ижоди ёдгорликларимизни халқаро миқёсда тарғиб қилишга, аждодларимиз ақлу заковати, эстетик диди билан яратилган анъанавий образларнинг тарихий-генетик асослари ва семантик функцияларини аниқлашга кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги «ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва

¹Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4 август.

тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон фольклоршунослигида, шунингдек, туркологияда мифологик асосга эга тақинчоқларнинг рамзий-тимсолий моҳияти, генезиси, поэтикаси, типологияси ва спецификаси юзасидан алоҳида махсус тадқиқот яратилмаган бўлса-да, уларнинг семантик ва функционал хусусиятларига тегишли жиҳатлар юзасидан айрим ишлар орқали маълумот олиш мумкин. Жумладан, Ж.Фрезер, Э.Тайлор, А.Н.Веселовский, А.А.Потебня, О.М.Фрейденберг, В.Я.Пропп, Е.М.Мелетинский, В.Н.Топоров, И.В.Стеблева каби жаҳон,¹ М.Алавия, Т.Мирзаев, Ғ.Акрамов, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, А.Мусақулов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, С.Мирзаева, М.Ёқуббекова, Ж.Эшонқулов, Д.Ўраева, Л.Худойқулова, З.Расулова ва бошқа ўзбек фольклоршуносларининг халқ оғзаки поэтик ижодидаги анъанавий образлар, уларнинг мифологик асослари, рамзий-тимсолий талқинлари хусусидаги қарашлари эътиборга сазовор.²

¹Фрезер Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии // Пер. с англ. М. К. Рыклина. – М.: ТЕРРА-Книжный клуб, 2001. – С. 528; Тайлор Э. Первобытная культура. – М.: Изд. Политической литературы, 1989. – С. 573; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Изд. Художественная литература, 1940.– С.648; Потебня А.А. Мысль и язык. – Киев, 1993, – С. 192; Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1978. – С. 800; Пропп В.Я. Морфология волшебной сказки, – М.: Лабиринт, 1998. – С. 144; Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1976. – С. 407-408; Топоров В.Н. Миф. Ритуал. Символ. Образ. / Исследования в области мифопоэтического. – М.: Директ-Медиа, 2007. – С. 624; Стеблева И.В. Очерки турецкой мифологии. – М.: Восточная литература, 2002. – С. 102.

²Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари. – Т.: Ўз ФА нашриёти, 1959. – 315б.; Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Т.: Фан, 1974. – 222 б.; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Т.: Фан, 1968; Акрамов Ғ. Мифологиянинг айрим эпик жанрлар билан ўзаро муносабати / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: Фан, 1997. – Б. 149-157; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – 216 б.; Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1998. – 160 б.; Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Т.: Фан, 2010. – 308 б.; Жўраев М., Худойқулова Л. Маросимнома (ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари ҳақида қисқача маълумотнома). – Тошкент, 2008. – 40 б.; Жўраев М., Расулова З. Миф, маросим ва эртақ. – Т.: Мумтоз сўз, 2014; Турдимов Ш. Ўзбек халқ кўшиқларида рамз: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Т., 1987. – Б. 24; Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. – Т.: Истиклол. – 96 б.; Якуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. доктори ...дисс. автореф. – Т., 2004; Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – 172 б.; Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – 120 б.; Ўраева Д. Ўзбек халқ кўшиқларида параллелизм. – Т.: Наврўз, 2019. – 168 б.

Ўзбек заргарлик буюмларининг фольклор,¹ этнография ва санъатдаги² талқин хусусиятларига муносабат билдирилган тадқиқотлар санокли бўлса-да мавжуд.

В.У.Бекташева қирғиз аёлларининг заргарлик буюмлари тарихини махсус ўрганган бўлса,³ Г.П. Васильева туркман хотин-қизлари тақинчоқларининг магик вазифаларини очиб берган.⁴

Н.Г. Брозна Ўрта Осиё аҳолиси тумор-тақинчоқлари ҳақида мулоҳазаларини баён этган.⁵

Мазкур диссертация ўзбек ва қирғиз фольклоридаги тақинчоқлар образининг турларини, қўлланишидаги типологик ва специфик хусусиятларни, бадиий талқини, эстетик вазифалари, тарихий-мифологик илдизларидаги яқинликларни илк бор илмий қиёсий аспектда ёритишга бағишланаётгани билан ажралиб туради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университетининг “Ўзбек ва қирғиз адабиёти алоқалари ҳамда адабий таъсир масалалари” мавзусида (2017-2021 йй.) олиб борилаётган илмий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқлар образининг келиб чиқиш илдизлари ҳамда поэтикасига хос типологик, специфик хусусиятларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқлар образининг ўрнини, поэтик талқинига хос типологик, специфик хусусиятларни, магик ҳамда фетишистик тасаввурларнинг тақинчоқлар образи пайдо бўлишидаги ролини ёритиш

¹Ўраева Д. Халқ кўшиқларида заргарлик буюмлари номларининг қўлланиши Филология масалалари. – Т.: Фан, 2007. – Б.210-211. Эстетическая функция эпитетов золота и серебра в узбекских народных песнях. Материалы республиканской научно-технической конференции «Istiqlol» (с международным участием). «Геотехнология: инновационные методы недропользования в XXI веке». – Москва-Навоий. 25-27 сентября 2007 года. – С.447-451; Сафаров О., Ўраева Д. Ўзбек халқ кўшиқларидаги олтин ва кумуш сифатлашларининг ижтимоий-эстетик вазифалари. – БухДУ илмий ахборотлари. – Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро. – 2009. – №1. – Б.42-46; Мусақулов А. Ўзбек алқ лирикаси. – Т.: Фан, 2010. – 308 б.; Расулова З.Ж. Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида “ғаройиб буюм”лар (спецификаси, генезиси ва бадиияти): Филол. фан. номз. ...дисс. авторф. – Т., 2012; Мирзаева Барно Ўзбек халқ дostonларида заргар образи// “Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” мавзусидаги халқаро илмий конференция. Тошкент, 2018. – 258-262.

²Азизова Н.К. Ювелирные изделия Узбекистана. – Ташкент, 1968; Сазонова М. В. Украшения узбеков Хорезма // Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. – Л., 1970. – С.121-126; Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Т.: Издательство литературы и искусства, 1988. – 204 с.; Йўлдошева С., Давлатова С., Сатторова Г. Фольклор кийимлари ва безаклари. – Т., 2006. – 165 б.

³Бекташева Венера Урубаевна. Кыргыз аялдарынын зергер буюмдары (XIX кылым аягы – XX кылым башы): Тарых илимдеринин кандидаты окумуштуулук даражасын изденип алуу үчүн жазылган диссертациянын авторефераты. – Бишкек, 2010.

⁴Васильева Г.П. Магические функции детских украшений у туркмен // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М.: Наука, 1986. – С.182-195; Васильева Г. П. Туркменские женские украшения. Опыт картографирования. – Советская этнография. – 1973. – №3. – С. 90-98.

⁵Брозна Н.Г. Некоторые материалы об амулетах – украшениях населения Средней Азии // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1976. – С.280-286.

асосида туркий халқлар бадиий тафаккурининг генетик алоқадорлигини очиш;

ўзбек ва қирғиз халқининг туғилиш, тўй, мотам маросимларига алоқадор урф-одат, удумларда тақинчоқларнинг ўрнини кўрсатиш орқали маросим фольклори намуналарида уларнинг миф-маросим-фольклор тадрижий босқичларига кўра бадиий талқин этилганини этнофольклористик таҳлиллар орқали асослаш;

ўзбек ҳамда қирғиз фольклорида заргарлик санъати ва касби билан боғлиқ лавҳаларнинг бадиий тасвирини аниқлаш, тақинчоқлар образининг улар билан функционал-семантик томондан тарихан алоқадорлигини далиллаш;

ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқларнинг рамзий-тимсолий маънолари архаик фикрлаш, ижтимоий-маданий ҳаёт билан боғлиқлигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ва қирғиз фольклорининг афсона, ривоят, эртақ, эпос (достон), кўшиқ, айтишув, ёр-ёр, келинсалом, ўлан, мақол, топишмоқ, болалар ўйинлари каби жанр намуналари танланди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек ва қирғиз фольклорида қўлланилган тақинчоқлар образи генезиси ва поэтикасига алоқадор умумий мифологик мазмун ҳамда хусусий бадиий талқин маънолари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, семиотик, этнофольклористик, структурал таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқлар образининг ўрни, тизими аниқланиб, уларнинг фетишизмга алоқадор қадимий мифологик инонч-эътиқодлар, магик характердаги маросимлар асосида келиб чиққани, ижтимоий ҳаёт воқеликлари асосида турли рамзий-тимсолий маъноларда эпик, лирик, паремик турдаги жанрларда образлантирилгани асосланган;

ўзбек ва қирғиз фольклоридаги тақинчоқлар образи ўзида ҳар иккала халқнинг заргарлик санъати ва касбида эришган ютуқларини бадиий намоён этиши, оғзаки поэтик анъанадан ўрин олган бошқа образлар билан функционал-семантик жиҳатдан муштараклиги, улар билан боғлиқ ахлоқий қарашлар ифодаси аниқланган;

иккала халқ лирик ва маросим кўшиқларида инсон бош, бўйин, кўкрак, кўл, бел қисм аъзоларига тақиладиган тақинчоқлар образлантирилишининг мифологик асослари, поэтик талқинидаги типологик белгилар аниқланиши асосида туркий халқлар бадиий тафаккурининг генетик алоқадорлиги ҳамда этнофольклористик нуқтаи назаридан ўзига хослиги исботланган;

кўшиқларда тақинчоқларнинг ўзак ё вазият рамзларини ҳосил қилиши, турли маъданлар номи орқали сифатланиши, заргар образи, заргарлик буюмларининг поэтик тасвирланиши, айрим (тишқали, лотиба, хапавант, уку ва ҳоказо каби) унутилаётган фалеронимларнинг фольклор тилида

сақлангани адабий тил тарихини ўрганиш учун муҳим манба вазифасини бажариши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва қирғиз фольклоридаги тақинчоқлар образи фетишистик ва магик қарашлар, ишонч-эътиқодлар заминиди шакллангани аниқланган;

ўзбек ва қирғиз фольклоридаги тақинчоқлар образининг шаклланишига магик маросимлар, турли удум ва урф-одатлар таъсир кўрсатгани исботланган;

ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқ образлари тизими алоҳида ўрин тутгани ҳамда халқ оғзаки ижодининг эпик, лирик, паремик жанрларида ранг-баранг рамзий-тимсолий маъноларда ифода этилгани далилланган;

ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқлар образининг генетик алоқадорлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган масаланинг аниқлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик семиотик, этнофольклористик, структурал таҳлил усуллари билан асосланганлиги, ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқлар образи генезиси, поэтикасида типологик жиҳатлар ва специфик хосликлар борлиги қиёсий илмий таҳлиллар орқали далилланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар икки туркий халқ, жумладан, ўзаро қўшни сифатида кўп вақтлардан буён маданий алоқада яшаб келаётган ўзбек ва қирғиз халқлари фольклоридаги турли рамзий-тимсолий образларни қиёсий ўрганишда, туркий фольклордаги типологик, анъанавий образлар тизимини аниқлашда ҳамда мукамал таснифлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек ва қирғиз фольклоридаги тақинчоқлар образи тизими, типологияси ҳамда спецификасига оид умумлашмалар ва материаллар ўзбек ва қирғиз фольклори, этнографияси, санъатшунослиги фанлари ривожини учун хизмат қилиб, адабиётда адабий алоқа ва таъсир масалалари бўйича маърузалар ўқишда, дарс машғулотлари олиб боришда, ўқув қўлланмалари, дарслик, мажмуа ва изоҳли луғатлар яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқлар образининг келиб чиқиш илдизлари ҳамда поэтикасига хос типологик, специфик хусусиятларни аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

ўзбек ва қирғиз халқининг тақинчоқлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлар тизими, тақинчоқларнинг маросимлардаги ўрни, тақинчоқлар билан боғлиқ ахлоқий қарашларнинг бадиий ифодаси ҳақидаги назарий хулосалардан Ф1-ФА-043429, ФА-Ф1, Г002 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” (2012-2016 йй.)

хамда ФА-Ф-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳаларда фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 17 январдаги 163-сон маълумотномаси). Натижада илмий тадқиқот хулосалари ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқлар образи талқинига хос типологик ва специфик хусусиятларни аниқлашга хизмат қилган;

ўзбек ва қирғиз халқ кўшиқларида сирға образининг берилиши ва у билан боғлиқ эътиқодлар, ўқувчиларнинг этномаданий билимларини ривожлантиришда заргарлик буюмлари образи иштирок этган халқ кўшиқларини синфдан ташқари ўқитишнинг аҳамиятини очиб беришда фойдаланилган (Қирғизистон Республикаси Миллий ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 12 майдаги 1128/1-сонли маълумотномаси). Натижада қирғиз ва ўзбек фольклоридаги рамзий буюмлар образини қиёсий ўрганиш, турк халқлари фольклорининг типологик жанр, мотив ва образлари тизимини аниқлаш, шунинг билан бирга, уларни таснифлаш аҳамияти каби масалалар ойдинлаштирилган;

Қирғизистон Республикаси “ЭлТР” давлат телерадиокомпаниясининг “Билим жана Илим” каналининг “Кол өнөрчүлүк” (“Кўл ҳунармандчилиги”), “Адабият айдыңы” (“Адабиёт сарчашмалари”), “Жан дүйнө” (“Маънавий олам”), “Бабалар басқан бараан жол” (“Боболар босган улкан йўл”) номли теледастурларини тайёрлашда ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқлар образининг поэтик тасвири, генетик алоқадорлиги, типологияси ва уларнинг специфик хусусиятларига оид илмий қарашлар ва хулосалардан фойдаланилган (Қирғизистон Республикаси “ЭлТР” давлат телерадиокомпаниясининг “Билим жана Илим” каналининг 2021 йил 25 августдаги 01-8/47-сонли маълумотномаси). Натижада юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсатувларнинг бадиий жиҳатдан янада қизиқарли, мазмунли ва жонли чиқишига эришилган;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг “Маънавият – қалб кўзгуси”, “Хазинамсан китоб” кўрсатувлари, “Маънавият сарчашмаси” ва “Радиомутолаа” эшиттиришларини тайёрлашда ўзбек ва қирғиз фольклоридаги тақинчоқлар образи тизими, типологияси ҳамда спецификасига оид умумлашмалардан фойдаланган (2021 йилнинг 22 сентябрдаги №20-24/241-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек ва қирғиз фольклорининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 4 та республика, 8 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини

чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, улардан 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 162 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқлар образининг генезиси ва эпик талқини**» деб номланган. Бу боб уч фаслдан таркиб топган. Унинг «**Тақинчоқлар образи шаклланишига магик-фетишистик қарашлар ҳамда маросимлар таъсири**» номли илк фаслида, аввало, қадимдан безак буюми бўлган тақинчоқлардан гўзаллик учун ҳамда магик ҳимояланиш мақсадида фойдаланиб келинганлиги, уларнинг пайдо бўлиши, тайёрланиши, шакли, вазифасига ўз даври кишиларининг турмуш шароити, диний-эътиқодий тушунчалари, миллий хусусиятлари, иқтисодий аҳволи, ижтимоий мавқеи, бошқа халқлар билан маданий алоқалари катта таъсир кўрсатганлиги, тақинчоқлар билан боғлиқ тотемистик, анимистик ва фетишистик қарашларнинг устунлиги масалалари ёритилган.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос безак усуллари мавжуд. Масалан, тотемистик, фетишистик қарашлар ҳукмронлик қилган қадимги даврларда тақинчоқларнинг безак услублари ҳам шунга мос равишда турли ҳайвон ва қушлар кўринишида ишланган. Жумладан, қирғизлар шунқор, бургут, ит ва бўрини ҳар хил бало-қазолардан сақлайдиган хосиятли жониворлар деб қарашгани учун аёллар тақинчоқларини уларнинг кўринишида ясаганлар. Шунингдек, хотин-қизлар ўз тиккан “шырдак” (нақш) ва “саймалар” (кашталар)ини бу жонзотларнинг расми билан беаганлар. Аслида қушлар ва маълум бир ҳайвонлар култига ишонч билан боғлиқ қадимги тотемистик эътиқодий қарашлар заминида келиб чиққан бундай анъаналар ҳозиргача давом этиб келмоқда. Болаларни кўз тегишидан, инс-жинслардан сақлаш мақсадида бўрининг тишидан тумор қилиб болага тақишган. Бола беланадиган бешикка бўрининг суяк ошиғини тақиб қўйишган. Бундан

ташқари, бўйидан боласи кўп тушган аёллар бўрининг тишини ёки юнгининг бир бўлагини кийимига тикиб олишган.¹

Тақинчоқларнинг тури каби вазифаси ва хизмати ҳам кўп. Шунга кўра тақинчоқлар учга бўлинади: 1. Безак тақинчоқлар: *маржон, булоқи, зирак, узук...* 2. Ирим, эътиқод билан боғлиқ тақинчоқлар: *туғдона, кўзмунчоқ...* 3. Шифобахш тақинчоқлар: *калампирмунчоқ, гулбанд, тумор...*²

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” (“Туркий сўзлар девони”) китобида³ ҳам айрим тақинчоқ ва зийнат буюмларининг номи берилган. Масалан, кўмүлдүрүк (отнинг кўкрагига тақиладиган зийнат безаги), өкмәк – хотинларнинг кўйлагига тақиладиган олтин ёки кумушдан қилинган ҳалқа, зирак, ўстәм – камар, тўқа ва эгарнинг бошига ўрнатиш учун олтин-кумушдан ишланган зийнат, Энәк – хотинлар бош ёпинчикларига боғлайдиган ип, боғич, өнiк – эчки юнгидан қилинадиган ясама соч ёки jörgäjäk – уламасоч, Эрдiнi – тоза марварид, уңiкландi – хотин чаккасига эчки қилидан улама соч тақди, өмәкләндi – урағу төмәкләндi – хотин зиракли бўлди, зирак тақди, кур – белбоғ, камар, iчкур – хотинларнинг кўлтиқ остига тақадиган зийнат асбоби ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тақинчоқлар кимга ёки нимага тақилишига кўра учга бўлинади: а) инсонлар тақадиган тақинчоқлар; б) ҳайвон тақинчоқлари; в) уй-жой, боғ, корхона, машина тақинчоқлари.

Қадимги Мисрда майитни безатишда ишлатилган олтин суви, турли тақинчоқлар ва бўёқлар ҳам ўзида фетишизмга ишончни намоён этади. Бу ўринда шуни айтиш мумкинки, қадимда қирғиз халқида ўлган аёлни ҳаётлигида таққан тақинчоқлари билан бирга кўмишган. Сабаби шуки, бу тақинчоқ ўз эгасигагина аталган, бошқа инсон тақса яхшилик аломати эмаслиги эътироф этилган. Яъни, қариб, кексайган эмас, дунёдан ёш ўтган одамнинг тақинчоғини тақиш хосиятсиз ҳисобланган.

Келтирилган бундай этнографик маълумотлар фольклорда тақинчоқларга алоқадор эътиқодий қарашларнинг этнофольклористик талқинини англашга хизмат қилади.

Тақинчоқларнинг оилавий-маиший маросимлардаги ўрни ҳам катта. Улар туғилиш, уйланиш, ўлим билан боғлиқ маросимларда алоҳида мавқе касб этади. Ўзбек ва қирғизларнинг чақалоқ ҳаётига дахлдор расм-русмлари, аввало, қадимийлиги ва анъанавийлиги билан диққатга сазовордир. Масалан, ҳомиладор аёлдан ой-куни, яъни кўзи ёриш онлари яқинлашганда, ҳеч бўлмаганда туғруқ пайтида “аёлнинг кийимларидаги барча тугмалар, рўмоли ечилиб, ўрилган сочи ёйиб қўйилган, тақинчоқлари: мунчоқ, зирак, узуклари ечиб олинган. Акс ҳолда тугунлар чақалоқнинг дунёга келиш йўлини

¹ Кыргыздын улуттук маданияты. – Бишкек, 2012. – Б.788.

² Ўлдошева С., Давлатова С., Сатторова Г. Фольклор кийимлари ва безаклари. – Тошкент, 2006. – Б.10.

³ Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. 1-том. – Т.: ЎзР ФА нашриёти, 1960. 499 б.

боғлайди, деб ҳисобланган”¹. Шунингдек, аёллар сочларига тақилган буюмлар ҳам ечтирилган. Сабаби, улар туғиш жараёнини қийинлаштиради, деб қаралади. Хусусан, мунчоқ ҳомиладор аёл бўйнида ўралиб турса, унинг қорнидаги боласи ўз киндигига ўралиб қолади, дея ишонилади. Умуман айтганда, оналар мунчоқ рамзида бола рамзини кўришган. Шунинг учун халқ алла ва эркаламаларида кўпинча бола образининг тўғридан-тўғри мунчоқ образи орқали берилгани, яъни бирининг ўрнида иккинчиси истиора сифатида келтирилгани кўзга ташланади:

*Шугина жоним, бир жоним,
Бўйнимдаги маржоним,
Худо берди севсин деб,
Тилло бешикка кирсин деб.*

Маржон оппоқ садафдан иборат мунчоқ туридир. Унинг оппоқ ва дўмбоқ кўринишда бўлиши, фақат аёлларга хослиги, аёл бўйни ва кўксини безаб туриши ҳолатлари болага менгзашга асос яратган.

Янги туғилган чақалоқни ювинтиришнинг ҳам бир қатор удумлари мавжуд. Айтайлик, чақалоқни ювинтиришдан олдин сувга туз, мунчоқ, узук ва танга солиб қўйилган.² Сувдаги узук боланинг вояга етгач, бой-бадавлат бўлиши, мунчоқ эса серфарзанд бўлиши учун қўлланилган. Айниқса, сувга ташланган нарса ва буюмлар бадавлат, обрўли инсонларга тегишли бўлса, бола ҳам улар каби бадавлат ва обрўли инсон бўлиб вояга етади, деб қаралган.

Никоҳ жараёнида, албатта, куёв келинчакка узук берса, қайнона томонидан келинга сирға берилган. Никоҳ тўйи куни келинга оқ қўйлак кийдирилиб, **тилла узук** тақиш ҳақида Н.П.Лобачеванинг қайди ҳам бор. Олиманинг фикрича, узук халқ қарашларида куёш рамзини, куёшнинг ой ёки ер билан бирлашуви тимсолини ўзида рамзий ифодалайди.³

Туркий халқларда келинга сирға тақиш – қизларнинг балоғатга етгани, турмушга узатилгани белгиси саналган. Сирғали қизлар қайлик ҳисобланган. Шу белги воситасида ўша қизнинг банд қилингани, турмушга узатилгани маълум бўлиб турган. Бунда ҳар бир ҳудудда ҳар хил кўринишдаги кумуш, олтин (тилла), жез сирғалардан фойдаланилган.

Удумшунос К.Шониёзовнинг ёзишича, ўзбек қипчоқлари орасида совчилар келиб, қиз томон розилиги олингач, куёв йигитга: “Иш битди, энди келинга сирға тақиб кел”, – дейишар экан. Демак, бундан ўзбекларда куёв

¹ Жумаев А.Ш. XIX асрнинг охириXX аср бошлари Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларида бола туғилиши ҳамда тарбияси билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимлар: Тарих фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 1991. – Б.50; Кубаков Қ.К., Ибрагимов С.И. Оилада фарзанднинг туғилиши ва уни тарбиялаш урф-одатлари / Археология ва этнография масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд, 1984. – Б.62-64.

² Қурбонова Н. Ўзбек болалар маросими фольклори: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1994. – Б.53.

³ Лобачева Н.П. Что такое свадебный обряд? // Этнографическое обозрение. – М., 1995. – №4. – С.58.

келинга сирға тақиб кетиш одати бўлганлигини билдириб ўтади. Бу удум халқ орасида “**Безак илги**”, “**Сирға тақди**” номларини олган.

Қирғиз халқида келинга сирға тақиш (“Сөйкө салуу”) анъанасидир. Бу анъанага кўра, икки куда томон ўзаро келишгандан кейин куёв томон келинга сирға тақади. Сирға тақилган кундан бошлаб қизнинг боши боғланган ҳисобланади. Қиз, яъни бўлажак келин тақилган сирғани ҳеч қачон ечмайди. Чунки сирға ечилса, икки ёш бир-бирларига етишиши учун тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин, деб ирим қилишган. Авваллари бўлажак келинга кўзли, катта чангак сирғалар тақишган. Қайси қизда кўзли катта чангак сирға бўлса, демак, у қизнинг боши боғланган, яъни эгали ҳисобланган. Чунки боши очик қизлар кўзли катта чангак сирға тақишмаган.

Фольклоршунос Л.Худойқулова Бойсун туманидаги Сариосиё, Тўда, Авлод қишлоқларида келин бўлаётган қизга турли хил тақинчоқларни тақиш чоғида “*безак илги*” удуми ўтказилишини, уни бажараётганда тақинчоқларни тақаётган кайвони турфа айтимлар ижро қилишини таъкидлайди.¹ “Безак илги” удумида, одатда, келинчакнинг белига зар тасма, бурнига лотиба, қулоғига зирак тақилган. Удумни бажариш жараёнида куйланадиган кўшиқларда шу нарсаларнинг номи алоҳида тилга олиб ўтилган.

Хуллас, тақинчоқлар образининг тарихий илдизлари бевосита қадимги диний-маиший ва магик маросимларга, афсунгарлик, анимистик, фетишистик ҳамда табу билан алоқадор қарашларга бориб тақалади.

“Ўзбек ҳамда қирғиз маросим кўшиқларида тақинчоқлар образининг ўрни” деб аталган иккинчи фаслда ўзбек ва қирғиз халқининг маросим кўшиқларидаги, айниқса никоҳ тўйига алоқадор кўшиқларда (ёр-ёрлар), йиғи-йўқловларда тақинчоқларнинг бадий талқини ёритилган. Никоҳ тўйида бўлажак келинчакка никоҳ узуги ва никоҳ сирғаси совға қилиш удуми ўзбекларда ҳам, қирғизларда ҳам алоҳида анъана сифатида мавжуд бўлгани учун никоҳ тўйига алоқадор ёр-ёр, келинсалом сингари халқ кўшиқларида келинчаклар тақадиган сирға, узук, билагузук сингари тақинчоқлар кўп образлантирилгани кўзга ташланади. Буни ҳам қирғиз, ҳам ўзбек тўй кўшиқлари мисолида кузатиш мумкин.

*Шакегиң алтын сарыдан,
Акылың артык баарыдан.
Таржимаси:
Узугинг сариқ олтиндан,
Ақлинг расо ҳаммадан*

Қирғизларда узук *шакек* деб юритилади. Узук қўлга, аниқроғи, ўнг ва сўл қўлнинг жимжилоғидан олдинги бармоғига тақиладиган тақинчоқлардан

¹ Сарчашмадан томган инжулар (Сурхон воҳаси ўзбек халқ кўшиқлари) / Тўплаб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Л.Худойқулова. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.43.

биридир. Уни қўш ёки тоқ ҳолда таққанлар. Бу ҳақда қўшиқларда ҳам маълумот учрайди:

*Келиной ўзи алладан,
Адаблар олди мулладан,
Қўлидаги қўш узук
Уч юз олтмиш тилладан.¹*

Қўлга тақилган узукнинг миқдори ва нимадан ясалгани узук эгасининг ижтимоий мавқеидан дарак бериб турган.

Ўзбек ёр-ёрларида узук учун тўғридан-тўғри “бахт” сўзи қаратқич аниқловчи қилиб келтирилгани кузатилади:

*Икки дона супурги
Уй тузуги, ёр-ёр.
Қутлуг бўлсин, қиз-ўғлон,
Бахт узуги, ёр-ёр.*

Қирғиз халқ оғзаки ижодида “кошок”, яъни йўқлов ва йиғилар энг қадимий жанрлардан ҳисобланади. Қирғиз йўқловлари мазмунига аҳамият қаратилса, уларда инсоннинг яхши сифатлари энг қиммат, бебаҳо нарсаларга ўхшатилади. Бундай қимматбаҳо нарсаларга тилла, кумушдан ясалган буюмлар ҳам киради. Бу сифатланиш дунёни тарк этган кишининг эркак ёки аёллигига қараб белгиланади. Масалан:

<i>Алтымышка чыга элек, Ат майышкан датка атам. Асылбегим өттү деп, Эл кайышкан датка атам. Күмүш кемер белинде Бел кайышкан датка атам.²</i>	<i>Олтмишга чиқмаган, Отга юмоқ дотқох, отам. Асил бегим ўтди деб, Элга юмоқ дотқох, отам. Күмуш камар белида Бели юмоқ дотқох, отам.</i>
--	---

Мисолдан кўриниб турибдики, «кемер», яъни камар сўзи эркак кишига нисбатан айтилмоқда. Йўқловда айтувчининг отасини оддий эмас «кумуш», «олтин» камарга қиёслаб, отасининг барча сифатларини мана шу кумуш ва олтинлар мисолида баён этмоқда.

Бобнинг “**Ўзбек ва қирғиз фольклорида тақинчоқларнинг эпик талқини**” номли учинчи фаслида тақинчоқларнинг эпик асарлар (эртақ ва дostonлар)даги поэтик вазифалари тадқиқ қилинган. Уларда сеҳрли узук эпик қаҳрамонларнинг мўъжизакор ёрдамчиси вазифасида келиб, уларнинг

¹ Келиной. Халқ қўшиқлари ва терминлари. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи О.Собиров. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 232-б.

²Кошоктор. Эл адабияты сериясынын 21-тому. – Бишкек: “Шам”, 2002.– Б.61.

хоҳлаган тилаги амалга ошиши, шоҳона ҳаёт кечириши, севганига эришиши йўлида мадад бўлади.

Ўзбекларнинг “Тилла узук” эртагида сеҳрли узук қаҳрамоннинг бойликка эришиш, севган ёрининг васлига етишиш, подшоҳнинг барча айтганларини бажо келтириш, ёвузлик устидан ғалаба қозониш каби турли хил истакларини амалга оширади. Қирғизларнинг ҳам “Алтын шакек” (“Тилла узук”) деб аталувчи эртаги мавжуд. Унда сеҳрли узук образи орқали эртактаги воқеалар ривожини таъминланган. Узук воситасида қаҳрамоннинг барча тилаклари амалга оша боради. Эртақ бош қаҳрамони асранди бир йигит бўлиб, у эртақ воқеалари давомида тақдирнинг турли хил синовларига дуч келади. Бу синовлардан ўтишда унга тилла узук ёрдам беради. Йигит бу узук ёрдамида хоҳлаган ниятига эришади. Эртақда подшоҳнинг шартлари узукнинг ерга урилиши натижасида бажарилади. Подшоҳнинг солган қалини узук ёрдамида узилади.¹

Тақинчоқлар образи **достонларда** ҳам учрайди. Масалан, “Манас” эпосида Манаснинг ёри Каникейнинг гўзаллигини таърифлаш учун тақинчоқлар образи ўрин тутган шундай мисралар келтирилган:

Чылк алтындан жыгасы
Оң чекеде кырданып,
Акыл толгон кези экен..
Олоңдой кара чачы бар,
Келишкен кара кашы бар,
Жазык маңдай, кара көз,
Жатык тилдүү, ширин сөз..²

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, Каникейнинг гўзаллигини ифодалашда унинг таққан тақинчоқлари ҳам тилга олинмоқда. Жумладан, жиға – сочга тақиладиган тақинчоқлардан бири бўлиб, у олтин билан сифатланмоқда. Олтин миқдорининг қанчалик софлиги “чылк” сўзи орқали жиғанинг тоза, нақд, соф олтиндан ясалганлигини таъкидлаб келмоқда.

Қирғиз халқининг машҳур эпоси “Манас”да тақинчоқларнинг образлантирилганлиги алоҳида таҳсинга лойиқ. Чунки улар қаҳрамоннинг моддий аҳволи, келажакка бўлган ишончидан дарак бериб туради.

Ўзбек халқ достони “Малика айёр”да париларнинг гоҳ узукка, гоҳ тўғноғичга айланиш мотиви келтирилган бўлса, “Равшан” достонида Юнус парининг сеҳрли узуги Равшаннинг тақдирини ўзгартириб юборади.

Халқ сеҳрли-фантастик эртаклари ҳамда романик достонлар сюжетида айрича ўринга эга бўлган “сеҳрли тақинчоқ”лар образи алоҳида эътиборни тортади. Улар бевосита қадимги диний-маиший маросимлар, ибтидоий давр

¹ Кыргыз адабияты. Антология. Элдик балдар фольклору. 4-том. – Бишкек, 2012. – Б.313.

² Кыргыз адабияты (Антология). 1-том. Эпостор. Түзүүчү Б.Жакиев, Д.Андашев. – Бишкек, 2012. – Б.116.

коҳинларининг афсунгарлик амалиёти, шунингдек, магик, анимистик ва фетишистик қарашлар билан боғлиқ ҳолда шаклланиб, кейинчалик халқ кўшиқларида ҳам образлантирила бошланган. Умуман айтганда, тақинчоқлар образи бадиий тафаккурнинг миф – маросим – эпос – кўшиқ тадрижий босқичларида поэтик такомилга эришган.

Тақинчоқлар образи халқ ўйинлари, болалар ўйин фольклори ва топишмоқларда белгиланган шартни бажаришга ундовчи асосий восита сифатида иштирок этади.

Диссертациянинг «**Ўзбек ва қирғиз халқ кўшиқларида тақинчоқлар образининг рамзий-тимсолий талқин хусусиятлари**» номли иккинчи боби уч фаслдан иборат. Дастлабки фасл “Ўзбек ва қирғиз халқ кўшиқларида инсон бош қисм аъзолари тақинчоқларининг рамзий-тимсолий талқинлари” деб номланган. Чунки қадимий заргарлик буюмларининг кўринишларидан келиб чиқиб, тақинчоқларни тақиладиган ўрнига қараб таснифлаб ўрганиш мумкин. Масалан, тақинчоқлар бошнинг қайси қисмига: бош устига, пешонага, чаккага, кулоққа, бурунга, сочга, тишга тақилишига қараб, бири-биридан фарқланади. Жиға бош устига тақиладиган тақинчоқлардан бири бўлиб, халқ кўшиқларида кўпинча давлат тимсолида ўзак рамз вазифасини бажариб келади. Чунки унинг илдизи асрлар давомида шаклланган бош культи билан боғлиқ қарашларга бориб туташади. Шу тариқа у барқарорлик касб этиб, ўз ичида бахт, давлат тушунчаларини мужассамлантиради.

*Бугун бир туш кўрибман,
Ажойиб туш, ёр-ёр.
Бошларида тилла жигга,
Кўлида қуш, ёр-ёр.
Бошидаги жигаси
Давлат бўлсин, ёр-ёр.
Кўлидаги қушлари
Фарзанд бўлсин, ёр-ёр.¹*

Пешонага тақиладиганларга **тилла баргак, тиллақош, пешона гажак** кабилар мансуб бўлиб, улар ичида энг кенг тарқалгани тиллақош ҳисобланади. У турмушга чиққан келинчакларга “Пешонаси ярқирасин”, “Мартабаси юксак бўлсин” деган эзгу ниятда тақилган. Қизларни турмушга тиллақошсиз узатмаслик одати сабабли халқ кўшиқларида унинг келинчаклар тақинчоғи эканлиги алоҳида таъкидланганлиги кузатилади:

*Заргар ясар тиллақош,
Келинчаклар тақсин деб.*

¹ Келиной. Халқ кўшиқлари ва терминлари. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи О.Собиров. – Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б.134.

*Йиғлайман маржон ёшим,
Оқ юзимга оқсин деб.*

Ўзбек ва қирғиз халқ кўшиқларида кулоқ беағи бўлмиш сирға жуда кўп образлантирилган. У қирғизчада “сөйкө” деб юритилади.

*Алтындан сөйкө салынып,
Биргаганың курусун.
Алганың бейтынч болгон соң,
Жыргаганың курусун.
Күмүштөн сөйкө салынып,
Биргаганың курусун
Күйөөң бейсаз болгон соң,
Жыргаганың курусун.¹*

Бу каби кўшиқ мисралари, одатда, қирғиз халқи орасида она билан қизининг тўйдан кейинги учрашувида айтилади. Ушбу мисраларда кулоқ тақинчоғи – сирға (сырга) образидан тинч ва нотинч, бахтли ва бахтсиз оила, яхши ва ёмон ёр тимсолида фойдаланилган. Кўшиқ матнида таъкидланаётганидек, узатилган қиз олтин ва кумуш сирға таққан эса-да, яъни бой ҳаёт кечирса-да, агар оиласи тинч бўлмас экан, яйраб яшай олмайди. Бундай ҳолатда қимматбаҳо тақинчоқларнинг ҳам ҳеч қандай қадри ва аҳамияти бўлмайди.

Кўшиқларда бурун безаклари бўлган “буринсирға”лар: аравак (арабак), латиба, латива (лотиба), натти, латбинни, холбини ёки холбинни, холчуп, булоқи (булови) номлари ҳам учрайди:

*Келиной ўзи ҳимирлар,
Баданида тери жимирлар,
Бурнидаги латиба
Ҳимолар тегмай қимирлар.²*

Кўшиқда лотиба, яъни булоқи “латиба” тарзида шева таъсири билан талаффуз этилган. Бунда ушбу тақинчоқ номи денотатив маънода қўлланган.

Тишга тақиладиган тақинчоқлар “тишқали” деб юритилган. У ҳақда халқ кўшиқларида шундай дейилади:

*Тишқали қўйса ярашар
Оқ садафдай тишига.*

¹Қирғиз поэзиясынын антологиясы. 1-том. Тўзгөн К.Жусупов. – Бишкек: «Қирғизстан – Сорос» фонду, 1999. – Б.56.

²Келиной. Халқ кўшиқлари ва терминлари. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи О.Собиров. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б.184.

Кишилар касалланган тишлари устига тилла ёки кумуш, оқ садаф тишқали қоплатишган. Лекин баъзилар тилла тишқалидан ўз бойлигини кўз-кўз қилиш, кибрланиш учун фойдаланган. Айниқса, бу ҳолат ўтган асрнинг 80-90 йилларида авж олган эди. Бироқ ҳозир “тишқали” сўзи тилимизда деярли ишлатилмайди. Бу эса айрим унутилаётган фалеронимларнинг фольклор тилида сақлангани адабий тил тарихини ўрганишда муҳим манба вазифасини бажара олишини кўрсатади.

Аёллар сочларига тақадиган “Нукра думбоқ”, “Тилла чачвон”, “Соч тўғнағич” (“Сарсўзан”), “Сочпопук”, “Сочпўпак”, “Сочбоғ”, “Туф”, “Заркокил”, “Танга чулпи”, “Жамалак”, “Кокил” сингарилар номи ҳам халқ кўшиқларида кўп учрайди. Масалан, сочбоғ ҳақида халқ кўшиқларида шундай куйланган:

*Келиной ўзи алладан,
Адаблар олган мулладан.
Сочбовларининг сачоғи
Иккам ўттиз тилладан.¹*

Қирғиз халқ кўшиқларида аёллар бош қисмига тақадиган тақинчоқлардан энг кўп қўлланадигани «чачучтук» ёки «чачпак» инсоннинг энг азиз ва қадрли аъзоси – бошга тақилиши боис мўътабар саналади.

<i>Кирпигине кир жуқпас, Чаңдуу аяктан суу жуқпас. Чачпагына чаң жуқпас, Чаңдуу аяктан суу жуқпас.²</i>	<i>Кипригига кир юқмас, Чанг идишдан сув ичмас. Сочбоғига чанг юқмас, Чанг идишдан сув ичмас.</i>
--	---

Кўшиқда вафот этган онасининг кипригига ва севимли буюми бўлмиш сочбоғига ҳам чанг юқтирмаганлиги, ҳамиша рўзғорини тоза тутувчи инсон бўлганлиги қизи тилидан айтилмоқда. Бу кўшиқда тақинчоқ ораста она рамзини ифодалаб келмоқда.

Бобнинг иккинчи фасли “**Ўзбек ва қирғиз халқ кўшиқларида бўйин-кўкрак қисм тақинчоқларининг рамзий ва метафорик ифодаси**” деб номланади. Бўйин қисм тақинчоқлари бўйинга тақишга мўлжаллангани билан ажралиб туради. Мунчоқ, шода, маржон, катмола, бўйинтумор, загара, баргак, кундалли баргак, хафабанд (хапавант, хапамат), гулбанд, буқоқбанд кабилар шулар сирасидандир. Кўзтумор улардан бири бўлиб, бўйинга, елкага, чаккага, кўкракка, қўлтиққа, сочга, дўппига тақиб юрилган.

*Қора қошинг мен бўлай,
Киприк сузаринг мен бўлай.
Ҳамманинг кўзи сенда
Кўзтуморинг мен бўлай.*

¹ Келиной. Халқ кўшиқлари ва терминлари. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи О.Собиров. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б.186.

²Кошоктор. Эл адабияты сериясы. 21-том. – Бишкек, 2002. – Б.40.

Кўшиқда “қора қошинг мен бўлай” деганда, “сенинг ҳимоячинг мен бўлай” деган маънони уқиш мумкин. Демак, бу ўринда суюкли ёр ҳаётни нурли кўришга эриштирувчи “кўзга” тенглаштирилмоқда. Ошиқ ёрга кўз атрофида терилган киприклар сингари беҳисоб ошиқлари орасида ўзининг устун туришини, яъни кўз ва киприклардан юқорида эканлигини қош образи орқали образли ифода этмоқда. У ҳамманинг кўзида бўлган, яъни ҳусну малоҳати билан кўзга яқин шу қора кўзга мангу ҳимоячи ҳамроҳ – кўзтумор бўлишга тайёр чин ошиқ эканини билдирмоқда. Мана шу асосда ушбу кўшиқда қуйидагиларнинг ўзаро “поэтик синонимия” ҳосил қилганлигини кўриш мумкин:

Кўз / Ёр,
Қош / Ошиқ
Кўзтумор / Чин ошиқ
Киприк / Рақиб ошиқлар.

Кўшиқларда ошиқ йигит ўз дил изҳорини тақинчоқлар воситасида баён қилади. Сабаби, никоҳ тўйида куёвнинг келинга узук, сирға, маржон каби тақинчоқларни тортиқ қилиши жуда кўп халқлар турмушида одат тусига айланган. Шунинг учун кўшиқларда бу каби тақинчоқларнинг оила рамзини, севги изҳори белгисини англантиб келиши кузатилади. Улар воситасида ошиқ ўз маъшуқасига бирга оила қуриш таклифини билдиради.

*Кыргызек сындуу мойнуна
Кыркма шуру такпаган,
Кыздардан артык сактаган.
Кекилик сындуу мойнуна,
Керексиз шуру такпаган.¹*

*Қирғий каби бўйнига
Қирқма маржон тақмаган,
Қизлардан ортиқ сақлаган.
Каклик каби бўйнига,
Кераксиз маржон тақмаган.*

Ўзига ҳеч қачон гард юқтирмай, ҳамиша қирғий каби мағрур, каклик сингари нозли юрган аёл ҳақида унинг яқинлари томонидан айтилган ушбу йўқловда маржон маъноси сақланган. Фақат у вазиятга қараб тақилиши билдирилмоқда.

Бобнинг учинчи фасли “**Ўзбек ва қирғиз халқ кўшиқларида инсон қўл ҳамда бел қисм тақинчоқларининг образли талқини**” деб номланади. **Қўл тақинчоқлари** қўлнинг қайси қисмига тақилишига қараб иккига бўлинади: **1. Бармоқ тақинчоғи. 2. Билак тақинчоғи.** Масалан, билагузук билак тақинчоғи бўлиб, халқ кўшиқларида оила, никоҳ муносабатларини рамзий ифодалашга хизмат қилиши кузатилади:

*Билагимдаги билагузук,
Билагимга сизмайди.*

¹Кошоктор. Эл адабияты сериясы. 21-том. – Бишкек, 2002. – Б.90.

*Душманларнинг гаплари
Юрагимга сизмайди.*

Кўринадикки, аксарият тақинчоқ образлари кўшиқларда вазият рамз сифатида келиб, ё фарзанд, ё қиз, ё жувон, ё оила рамзини ифодалашга хизмат қилади. Ш.Турдимов таъкидлаганидек, табиат ва қалб ҳодисалари ўртасидаги ички уйғунлик асосида янги рамзлар, образлар туғилади. Вазият рамзлар айнан ушбу уйғунликнинг маҳсулидир.¹

Тугма (топчу, тўймө диалектга оид сўз) ҳам безак турларидан бири ҳисобланади. Тугмадан кийим-кечак беаги ҳамда кийим қисмларини туташтирувчи восита сифатида фойдаланиб келинган. Қуйидаги мотам кўшиғида тугманинг бадий образлантирилганини кузатиш мумкин:

*Алтындан топчу такканым,
